


ЁҒЛИ ГЕПАТОЗ



Ёғларнинг жигар хужайраларида тўпланиши билан давом этадиган касаллик ёғли гепатоз (жигар стеатози, жигарнинг ёғли инфильтрацияси) деб аталади.

Жигарда ёғларнинг тўпланишининг сабаби ана шу аъзога турли токсик таъсирларнинг оқибати бўлиб ҳисобланади. Бу жараён баъзи касалликлар ва организмдаги патологик ҳолатлар ҳисобига ҳам келиб чиқиши мумкин.

Жигарнинг ёғли зарарланиши ҳамма ҳолатларда ҳам токсик омилларга (алкогол, дори воситалари ва бошқалар) боғлиқ бўлавермайди. Ана шу аъзонинг алкоголь ва бошқа токсик моддаларга боғлиқ бўлмаган зараланишлари жигарнинг бирламчи ёки ноалкогол ёғли касаллиги деб аталади (қисқача - НАТАС; жигарнинг алкогольли ёғли касаллиги - АТАС).

Жигарнинг ноалкогол ёғли касаллиги сезиларли даражада кенг тарқалган.

Ривожланган мамлакатлар аҳолисининг тўртдан бир қисмида жигар стеатози ва 3,5-11% эса ноалкогол стеатогепатит (жигар инфилтрацияси + яллиғланиш жараёни), шу жумладан жигар циррози аниқланган.

Стеатоз одатда бир маромда, прогрессирланмасдан кечади. Агар ёғли инфилтрацияга яллиғланиш жараёни қўшилса, яъни стеатогепатит шаклланса, касалик кучайиб жигар фибрози (30-40% беморларда) ва жигар циррозини (тахминан 10% ҳолларда) келтириб чиқаради.

Касалликнинг нисбатан оғир кечишига сабаб бўладиган омиллар:

- ёши 45 дан юқори бўлишлик
- патологик семириш
- 2-чи турдаги қандли диабет
- генетик омиллар
- аёллик жинси

Жигар ёғли дистрофиясининг асосий сабаблари:

- модда алмашинувининг бузулишлари – масалан, қандли диабет, семириш ва бошқалар
- токсик омиллар таъсири – алкоголь, баъзи токсик моддалар, дори воситалари
- мутадил овқатланмаслик (кўп овқат истемол қилишлар, оч қолишлар, озиқадаги оқсил меёрининг паст бўлишлиги)
- овқат хазм қилиш тизимидаги сўрилиш синдромининг бузилиши билан кечадиган суринкали касалликлари ва бошқалар

Касалликнинг клиник кўриниши

Кўпчилик беморларда жигар касалликларига хос белгилар кузатилмайди. Баъзан қорин соҳасинг юқори ўнг қисмида ҳаракатланиш вақтида кучаядиган оғирлик ҳисси ва ёқимсиз ҳолатлар кузатилади, тез чарчаш, кам қуватлик, кўнгил озишлари бўлади.

Кўп ҳолларда касаллик бехосдан, жигарнинг УТТ, компьютер томография текширивларида аниқланади. Текширув натижасида жигарнинг катталашганлиги, унинг диффуз ёғли инфилтрацияси ҳисобига келиб чиқадиган гиперэхогенлиги ёки жигар тўқимасининг «равшанлиги» кузатилади (расм).



Расм. Ёғли гепатознинг ички контраст кучайтиришли компьютер томографияси

Ёғли гепатоз оқибати

Гепатитнинг оқибатлари касалликнинг кўриниши ва давомийлиги, жараённинг қанчалик тарқалганлиги, жигарнинг шикастланганлик даражаси ва унинг қайта тикланиш имкониятларининг нечоғлик юқорилиги билан белгиланади. Енгил ҳолатларда жигар тўқимасининг тўлиқ тикланиш имкони бўлади. Жигарнинг катта қисмининг ўткир зарарланишларида, сурункали гепатитдаги каби, жигар циррози келиб чиқиши мумкин.

Даво

Жигар ёғли дистрофиясининг давоси уни келтириб чиқарган омилларни йўқ қилишга қаратилган бўлади. Агар бемор алкоголь истемол қилса уни тўхтатиш керак, агар жигарнинг ёғли дистрофияси метаболитик синдромга боғлиқ бўлса, қондаги қанд миқдорини назорат қилиш, холестерин миқдорини ва тана вазнини камайтириш керак.

Даво муложасида гепатопротекторларни қўллаш жигарни тозаланиши ва унинг биокимёвий хоссаларини яхшиланишига олиб келади.

КОБАВИТ

Препарат ўзида ягона таркиб - биокомплексга бириктирилган табиий биологик фаол моддалар: кобальт микроэлементи, глутамин кислотаси ва витамин U сақлайди.

Кобавит ўз таркиби ва тузилиши ҳисобига жигарнинг турли касалликларида - ўткир турларидан то жигар циррозигача бўлган ҳолатларда юқори даражали клиник самара намоён қилади.

Препаратнинг таъсири остида жигарнинг антитоксик фаолияти ва тўқималарнинг, шу жумладан жигар паренхимасининг регенератор потенциали аҳамиятли ошади, жигар ферментларининг (АлАТ ва АсАТ), холестаза маркерларининг (ишқорий фосфатаза, гамма-глутамилтрансфераза) фаоллиги пасаяди. Кобавит қон зардобидидаги билирубиннинг миқдорини жадал камайтиради, жигарнинг ўт-сафро ҳосил қилиши ва ўт-сафро чиқариш фаолиятини тиклайди. Антиоксидант ва мембранани барқарорлаштирувчи фаолликларга эга.

Кобавит шунингдек иммуномодуловчи таъсирга ҳам эга.

Унинг таъсири остида қисқа муддатларда астенизация белгилари (тез толиқиш, кўп терлаш ва х.к.) ўтиб кетади.

Ножўя таъсирлари

Препарат яхши ўзлаштирилади. Қандай бўлмасин ножўя самаралари аниқланмаган.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик.

Махсус кўрсатмалар

Кобавит базис даволашда қўлланадиган барча препаратлар билан яхши уйғунлашади.

Препаратни гепатитнинг ўткир шаклларида қўллаш касалликнинг сурункали шаклларини ривожланишини, сурункали шаклларида эса патологик жараёнини кейинчалик янада кучайишини, шу жумладан жигар циррозининг ривожланишини олдини олади.

Препарат ичга овқатдан 1,5-2 соат олдин қабул қилинади.

Катта ёшли беморлар учун 0,01 г ли таблеткалар тавсия этилади.

Жигар касалликларида, шу жумладан ёғли гепатозларда ҳам, Кобавитни қуйидаги схема бўйича қўллаш керак:

Гепатитнинг тури	Асосий даво	Қўллаб турувчи даво
Ёғли гепатоз	Кунига 1 ёки 2 таблеткадан 2 марта 2 ойдан 6 ой давомида	Шарт эмас
Сурункали фаол гепатит (СФГ) ва жигар циррози	Кунига 2 таблеткадан 2 марта 20-25 кун давомида	1 таблеткадан кунига 2 марта 1,5-2 ой давомида

КОБАВИТ – А.В.-БИОКОМ фармацевтик компанияси томонидан яратилган инновацион препарат